# Ўртоқ И. П. ВОЛОВЧЕНКО докладининг давоми

(Боши биринчи бетда)

Сўнгги йилларда партия ва ҳукумат кўрган чоралар туфайли бизда уруғчилик иши анча яхшиланди. Бутун экин майдони учун маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш йўлга қўйилди; кўпгина гибридлар саралаш асосида етиштириладиган бўлди.

Лекин мамлакатда уруғчилик соҳасидаги аҳволни умуман қониқарли деб бўлмайди.

Контрол-уруғчилик лабораторияларининг маълумотларига кўра, 1963 йил кўкламида 17,6 миллион тонна донли экинлар уруғи экилган бўлса, шундан қарийб 6,3 миллион тоннаси кондицияга етказилмаган эди. Бу рақамлар камайтириб кўрсатилган бўлса керак, чунки кондицияга етказилмаган уруғлар аслида анча кўп экилган.

Уруғлар сифати паст бўлаётганлигининг сабабларидан бири шуки, колхозлар, совхозлар ва илмий-тадқиқот муассасалари уруғхоналар, уруғ тозаловчи машиналар, сушилкалар ҳамда уруғлик қуритадиган ва уни экишга тайёрлайдиган бошқа замонавий техника билан таъмин этилмаган.

СССР Госплани, СССР Халқ хўжалиги кенгаши, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари, дейди докладчи, ўрим-йиғимдан кейин уруғликни ишлаш ва асрашни тўла механизациялаштириш масаласини ҳал қилиш билан астойдил шуғулланишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг фикрига кўра, дон экинларининг (маккажўхордан ташқари) навли уруғларидан 2,5—3 миллион тонна миқдорида давлат эҳтиёт фонди барпо этиш лозим.

Бизда картошка уруғчилиги ҳам қониқарсиз аҳволда. Элита картошка кам етиштирилаётганлиги учун тезпишар ва кечки навларнинг сара уруғларини экиш сусткашлик билан жорий қилинмоқда.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги қанд лавлаги уруғчилигини ташкил этиш соҳасидаги тажрибадан намуна олиб, навли картошка етиштириш ва сотиш билан шуғулланадиган махсус ташкилот тузиб, ихтисослаштирилган совхозларнинг ҳаммасини ана шу ташкилотга бўйсундиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Ўтлар, хусусан беда, йўнғичқа ва пичан уруғчилигини тиклаш тўғрисида гапириб ўтиш зарур. Сўнгги йилларда асоссиз равишда жойларда бу иш билан шуғулланмай қўйдилар. Ваҳоланки, бу иш билан шуғулланиш лозим.

Биз уруғчилик ишини яхшилаш билан бир вақтда, замонавий талабларга жавоб берадиган янги, анча сермаҳсул навлар ва гибридлар яратиш соҳасидаги ишни кучайтириб юборишимиз керак.

Ҳар қайси зонада етакчи илмий-тадқиқот муассасаларини ажратиб, турли касбдаги олимларнинг қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини ва гибридларини яратиш соҳасидаги коллектив ишларини ана шу муассасаларда марказлаштириш зарур.

## ЕМ-ХАШАК БАЗАСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙЛИК, МОЛЛАР НАСЛИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш чорвачиликни жадал ривожлантиришни таъминламоғи керак, деб уқтиради докладчи.

Яқин 7 йил ичида гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш икки баравардан зиёд кўпайтирилиши лозим. Бу — катта ва мураккаб вазифа. Чорвачиликни янада юксалтириш биринчи галда икки масалага — ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ва наслчилик ишини тартибга солиш масалаларининг ҳал қилинишига боғлиқ.

Турли зоналарда ем-хашак проблемасини ҳал қилишга битта ўлчов билан ёндошиш ярамайди. Маҳаллий шароитларни, жумладан, ҳар қайси хўжаликда чорвачиликнинг йўналишини ва ихтисосланишини ҳар тарафлама ҳисобга олиш лозим. Бунинг маъноси шуки, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари зарур миқдордаги ем-хашак қайси экинлар эвазига етиштирилишини ўзлари белгилаб олмоқлари керак. Қайси экинларни экиш тўғрисида юқоридан топшириқлар тиқиштириш йўлидаги ҳар қандай уринишлар қатъиян қораланмоғи лозим.

Мисол учун Москва областининг Звенигород ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинский луч» колхозини олайлик (бу ерда Тихон Сергеевич Пряхин раис бўлиб ишламоқда). Ана шу хўжаликда маккажўхори, қанд лавлагини меҳр ва миришкорлик билан етиштирмоқдалар, лекин кўп йиллик ўтлардан мўл ҳосил етиштиришга ҳам анча ғамхўрлик билан қарамоқдалар. 1963 йилда ҳар гектар ердан сўтаси билан 445 центнер маккажўхори кўкпояси, 410 центнер лавлаги ва 63 центнер кўп йиллик ўтлар хашаги олинди. Колхоз қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ҳисобига 1.217 центнер сут ва сўйилган вазнда 63 центнер гўшт етиштирди.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун ҳар бир хўжаликда реал имкониятлар бор, фақат гап шу имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишда қолган.

Ўт-далали система тўғрисидаги танқид мутлақо тўғри эди. Аммо, баъзи ходимлар бундан нотўғри хулосалар чиқариб, умуман ўт экишга эътиборни сусайтириб қўйдилар. Ҳатто, баъзи бир жойларда: «Лоп этиб ўт-далачилар қаторига ўтиб қолмайин!» — деб йўнғичқа ва беда экишдан қўрқмоқдалар.

Бу мутлақо нотўғри. Деҳқончиликдаги ўт-далали системадан юз ўгирганмиз ўтлар монанд келадиган ва фойда берадиган жойларда умуман уни экмаслик керак — деган маънони асло билдирмайди. 8—10 центнер ҳосил берадиган дармонсиз, «ўтзор» барпо қилганликлари учун ўртоқ Н. С. Хрущев қишлоқ хўжалигининг баъзи ходимларини мутлақо ҳақли суратда танқид қилган эди. Ҳозир гап ана шундай «ўтзор» далалар устида эмас, балки гектар бошига ўрта ҳисобда 40—50 центнер ва бундан ҳам кўпроқ пичан ҳосили берадиган маданий, серҳосил ўтлар экиш устида бориши лозим.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Госплани илмий-тадқиқот муассасалари ва практик ходимларнинг кенг иштироки билан қишлоқ хўжалик молларини боқишнинг илмий асосланган типовой нормалари ва рационларини мамлакат зоналари бўйича ишлаб чиқмоқда. Бу нормалар ва рационлар ем-хашак базасининг ҳажмларини ва унинг структурасини белгилаш учун яхши негиз бўлади.

Ем-хашак етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда оқсил танқислигини тугатишга, ем-хашакни яхшироқ асраш ва ундан яхшироқ фойдаланишга ёрдам берадиган химиявий моддалардан кенг фойдаланиш, ем-хашакка витаминлар, микроэлементлар, антибиотиклар ва биостимуляторлар қўшиб, уни тўйимли қилиш зарур.

Колхоз ва совхозларда, дейди сўзини давом эттириб ўртоқ Воловченко, ем-хашак тайёрлаш вақтида унинг кўплаб нес-нобуд бўлиб кетишига йўл қўйилмоқда. Масалан, силослаш вақтида ем-хашакдаги тўйимли моддаларнинг 20—25 проценти йўқ бўлиб кетмоқда. Ем-хашакни силослаш ва ачитиш технологиясини яхшилаш йўли билан ана шу нобудгарчиликни ақалли ярми камайтирилса (бир қанча қишлоқ хўжалик илмий муассасалари бунга муваффақ бўлди), шунинг ўзи йилига қўшимча равишда 3,5 миллион тонна сут олишга имкон беради.

Жаҳон чорвачилигидаги бутун тажриба, шунингдек мамлакатимиздаги колхоз ва совхозларнинг илғор тажрибаси шуни яққол исботладики, наслчилик ишини яхши йўлга қўйиш натижасидагина чорва молларнинг маҳсулдорлигини юксак даражага етказиш мумкин.

Бизда чорва моллар ва паррандаларнинг ҳамма турлари бўйича наслчилик хўжаликларининг кенг шохобчаси вужудга келтирилган. Кўпгина хўжаликлар ўз подаларининг сифати ва селекция-наслчилик ишининг савияси жиҳатидан Европа ва Америкадаги энг яхши заводлардан устун туради.

Бироқ, наслчилик ишида жиддий камчиликлар мавжуд бўлиб, бу камчиликлар чорвачиликни ривожлантиришга ҳалақит бермоқда, РСФСРнинг бир қанча областларидаги, Закавказье ва Ўрта Осиё республикаларидаги колхоз ва совхозларда кам маҳсулот берадиган чорва моллар ҳали ҳам кўплаб етиштирилмоқда.

Бир қанча республика ва областларда наслчилик хўжаликларининг роли камситиб қўйилган. Шу хўжаликларнинг кўпи асоссиз равишда йириклаштирилиб, ихтисослаштирилган хўжаликлардан оддий товар хўжаликларга айлантириб юборилган. Бу эса, селекция наслчилик иши савиясини пасайтириб қўйган.

Наслдор чорвачиликни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтармоқ учун наслчилик заводларини, совхозларини, наслчилик иши ва сунъий қочириш билан шуғулланувчи давлат станцияларини ташкилий хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш соҳасида жиддий чоралар кўриш зарур. Улар наслдор чорвачиликнинг чинакам илмий-ишлаб чиқариш лабораториялари бўлиб қолмоғи керак. Етакчи наслчилик заводлари ва совхозларига раҳбарликни марказлаштириб, анча яхшилаш лозим.

Ҳозир Совет Иттифоқида чорва молларнинг 200 дан ортиқ насли ва насл группалари етиштирилмоқда. Лекин бу моллар бир қанча ҳолларда халқ хўжалигининг ва зоналарни ихтисослаштиришнинг талабларига мувофиқлаштириб жойлаштирилган эмас.

Бундай практика наслчилик ишини чалкаштириб юбормоқда, холос. Моллар наслини районларга мослаштириб аниқ белгилаб қўйиш зарурат бўлиб етилди. Наслчилик иши колхоз ва совхозларда энг кам ем-хашак ва бошқа маблағ сарфлаган ҳолда, энг кўп миқдорда яхши маҳсулот олишни таъминлайдиган чорва моллар ва паррандаларнинг ғоят сермаҳсул подаларини барпо этишга қаратилмоғи лозим.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИНИ ЯНГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш соҳасида сарфлаётган куч-ғайратларимизнинг муваффақиятли бўлиши илмий ва тажриба муассасаларида иш қандай ташкил этилганлигига, бу муассасалар қандай проблемалар устида иш олиб бораётганлигига, ишлаб чиқариш билан қай даражада боғланганлигига — ана шуларнинг ҳаммасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи илмий муассасаларнинг кенг шохобчаси: 176 та илмий-тадқиқот институти, 109 та комплекс ва 65 та тармоқ-тажриба станциялари мавжуд бўлиб, уларда 21 мингдан кўп илмий ходим ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалик фанимиз колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга актив ва ҳар тарафлама таъсир ўтказиш, унинг илмий-техника савиясини доимо ошириш имкониятига эга. Кўпгина олимлар самарали ишлаб, колхоз ва совхозларга жиддий ёрдам бермоқдалар. Бироқ, қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқотларни ташкил этиш савияси ҳали замонавий талабларга жавоб бермайди.

Министр илмий-тадқиқотларни планлаштиришдаги камчиликлар тўғрисида, илмий-тадқиқотлар тематикаси ноаниқлиги, ишлаб чиқаришнинг муҳим масалаларидан ажралиб қолганлиги ҳақида гапиради. Биз, деб уқтиради докладчи, топширилган иш учун илмий ходимларнинг шахсий жавобгарлигини оширишимиз, илмий муассасаларда эгаллаб турган жойига муносиб бўлмаган, илмий иш билан шуғулланиш қобилиятини аслида йўқотиб қўйган, қола берса, ҳеч қачон бундай қобилиятга эга бўлмаган самарасиз олимлардан қутулиб олишимиз керак. Уларнинг ўрнини қишлоқ хўжалик фанини муваффақият билан олға бостира оладиган, чинакам қобилиятли, ижодкор кишилар эгалламоқлари лозим. Ўртоқ Воловченко ҳал қилиниши зарур бўлган бир қанча актуал илмий темаларни, чунончи қишлоқ хўжалик ўсимликларини, жониворлар ва паррандаларни гибридлаштиришга доир масалаларни санаб ўтади. Ҳозир Совет Иттифоқи маккажўхорини гибридлаштириш жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди. Биз ўсимликшуносликнинг ҳамма тармоқларида гибридлар яратиш соҳасидаги ишни сира пайсалга солмасдан йўлга қўйиб юборишимиз керак.

Тегишли илмий муассасалар гидропоника методи билан озуқалантирувчи эритмаларда сабзавот етиштириш сингари прогрессив тадбирни кенг жорий қилишга актив ёрдам беришлари лозим. Киевдаги сабзавотчилик фабрикасининг ва бошқа хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, бу метод сабзавот экинлари ҳосилдорлигини анча оширишга ёрдам бериши мумкин.

Мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот муассасалари тўплаган маълумотлар, шунингдек чет эллар тажрибаси қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорвачиликка янги самарали препаратлар тайёрлаб бериш ҳамда шундай препаратлардан селекция процессида фойдаланиш учун ядро физикаси, биофизика ва электроника ютуқларини муваффақиятли қўлланиш имконияти борлигидан далолат бериб турибди.

Ҳар бир областда ёки зона бўйича бир типдаги областлар группасида «ўзининг йирик хўжаликларига, ҳозирги замон моддий-техника базасига эга бўлган ҳамда колхоз ва совхозлар учун мазкур районнинг хусусиятларига қараб тавсиялар ишлаб берадиган қишлоқ хўжалик илмий марказлари бўлиши лозим», — деб партиямиз ўз Программасида берган кўрсатмани амалда бажариш вақти келди.

Ўртоқ Воловченко маъқуллашга арзийдиган ишлар қилаётган тажриба-эксперимент хўжаликларининг фаолиятига тўхталиб, Бутуниттифоқ қанд лавлаги институтига бўйсунган «Верхниячеcкий» совхозини, Бутуниттифоқ мойли ва эфир-мойли экинлар институтининг тажриба-эксперимент хўжаликларини ана шулар жумласига киритади. Бу хўжаликлар институтнинг илмий ишига қилинаётган ҳамма харажатлардан уч баравар кўп соф даромад олмоқда.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам аҳвол ана шундай деб бўлмайди. Ҳар бир тажриба хўжалигини колхоз ва совхозлар ибрат олса арзийдиган чинакам намунали хўжаликка айлантирмоқ учун ҳали кўп ишлаш керак.

Қишлоқ хўжалик фанига кенг майдонлар очиб берилди. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш — биринчи галда илм-фаннинг энг яхши муваффақиятларини ва илғор тажрибани колхоз ва совхозларнинг иш практикасига кенг жорий қилишдир, деб партия қарорларида неча марталаб уқтириб ўтилди.

Бу кўрсатма ҳозирги шароитда янада катта аҳамият касб этмоқда.

Матбуот пропагандасида, деб сўзини давом эттиради И. П. Воловченко, гап кўп. Нашр қилинаётган китоб ва брошюралар сифатини ошириш, нашрларни қатъиян координациялаш, улар бир-бирини такрорлашига йўл қўймаслик керак. Биз қишлоқ хўжалик журналлари нашр қилишни ҳам яхшилаб, уларни кенг мутахассислар доираси учун қизиқарли бўлган ҳамда оммавий кадрларга илғор иш методларини ўргатишга ёрдам берадиган янада оммабоп журналларга айлантиришимиз зарур. Оммавий ва кўргазмали қуроллардан бири бўлган кино қишлоқ хўжалигида фан муваффақиятларини ва илғор тажрибани пропаганда қилишда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Радио ва телевидениедан ҳам анча кенг фойдаланиш лозим.

Бизда республикалар, областларда ва, айниқса ишлаб чиқариш бошқармаларида йил сайин қишлоқ хўжалик виставкалари ўтказиб турилишнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмаяпти, буни тўғри деб бўлмайди. Ваҳоланки, бундай виставкалар қишлоқдаги илғор кишиларнинг ўз ютуқларини кенг намойиш қилишларига, шу ютуқларни ишлаб чиқаришга тезроқ ва муваффақиятлироқ жорий этишларига имконият туғдириб берган бўлур эди.

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Колхоз ва совхозларни малакали кадрлар билан таъминлаш соҳасида сўнгги йилларда нақадар катта иш қилинганлигини ҳаммамиз биламиз, дейди докладчи. Ҳозир қишлоқ хўжалигида, шу жумладан 114 минг колхоз ва совхозда 583 минг агроном, зоотехник, инженер ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассислари ишлаб турибди. Колхоз раисларининг учдан икки қисми ва совхоз директорларининг деярли ҳаммаси олий ва ўрта махсус маълумотли кишилардир.

Лекин шундай бўлса ҳам, колхоз ва совхозларни кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳали кўп жиҳатдан ҳал бўлмай турибди. Бизда совхоз бўлимлари, бригада ва фермаларнинг раҳбарлари орасида мутахассислар ҳозирча жуда кам. Ваҳоланки, колхоз ва совхозлар йирик хўжаликларга айланди. Масалан, совхозларнинг беш, ўн минг гектарлаб, қўриқ ерлардаги айрим хўжаликларда 40 минг гектаргача ва бундан ҳам кўпроқ ҳайдаладиган ерлари бор. Бундай хўжаликларга раҳбарлик қилишда бўлим бошқарувчилари, бригада бошлиқлари, ферма мудирларининг роли ошиб кетди. Бу вазифаларда ғоят ўқимишли, амалий тажрибаси бўлган, йирик ишлаб чиқаришни бошқара оладиган кишилар ишлаши лозим.

Қишлоқ хўжалик кадрларининг малакасини ошириш соҳасидаги ишни тубдан тартибга солиш пайти келди. Ишни шундай ташкил қилмоқ керакки, қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир раҳбар ходим ва мутахассис ақалли 4—5 йилда бир марта жиддий равишда қайта тайёргарликдан ўтиб турадиган бўлсин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги:

қишлоқ хўжалик институтлари ҳузурида қишлоқ хўжалигидаги раҳбар кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини оширадиган факультетлар тузиш;

илғор хўжаликлар ва қишлоқ хўжалик ўрта ўқув юртлари базасида ишда ўзини яхши кўрсатган практиклар орасидан бўлим бошқарувчилари, колхоз ва совхозларнинг бригада бошлиқлари ва ферма мудирлари тайёрлайдиган мактаблар ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайди.

Асосий камчилик шундан иборатки, дейди докладчи, назарий билим бериш ишлаб чиқариш билан ҳали дуруст боғлаб юборилган эмас. Натижада, ҳатто қўлида яхшигина дипломи бўлган ёш мутахассислар ҳам кўпинча ишлаб чиқаришга доир масалаларни ҳал қилишда ожизлик қилмоқдалар. Шу сабабдан, мутахассисларни назарий ва айниқса амалий жиҳатдан тайёрлаш сифатини яхшилаш; агрохимия, ўсимликларни ҳимоя қилиш, суғориладиган деҳқончилик, экономика ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўйича мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш зарур.

Биз бу ҳар икки проблемани жуда қисқа муддат ичида ҳал қилиш учун ҳамма зарур нарсаларга эгамиз. Бизда 97 та қишлоқ хўжалик олий ўқув юрти бор. Колхоз ва совхозларнинг олий малакали мутахассисларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун шунинг ўзи бемалол кифоя қилади.

Докладчи шуни ҳам таъкидлайдики, қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларини шаҳарлардан совхозларнинг, ўқув-тажриба ва эксперимент хўжаликларининг базаларига кўчириш планини яқин уч-беш йил ичида тўла бажариб, янги типдаги ўқув юрти — совхоз-олий ўқув юрти вужудга келтириш зарур.

Министр ўрта малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига тўхталиб, техникумлар фаолиятини яхшилаш зарур, дейди. У қизиқарли мисол тариқасида Молдавия ССРдаги Тирасполь совхоз-техникумини тилга олади. Совхоз-техникум бир неча йиллардан буён Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида қатнашиб келмоқда, Эрфуртда ўтказилган халқаро боғдорчилик виставкасида ҳам қатнашди, бу виставкаларда олтин медаллар билан тақдирланди.

Ўртоқ Воловченко ўз докладининг якунловчи қисмида таъкидлайдики, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш бир қанча бошқа муҳим масалаларни ҳал қилишни ва, аввало, қишлоқ хўжалигида планлаштириш практикасини анча яхшилашни ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини таъминлашни ҳам қаттиқ тақозо этмоқда. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини планлаштириш юзасидан белгиланган тартибни ҳар қандай йўл билан бузиш ҳолларига қатъиян чек қўйиш, колхоз ва совхозларга фақат давлатга сотиладиган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳақида план бериб, қайси экинлар қанча майдонга экилишини, қандай чорва моллар қанча миқдорда бўлишини ўзлари ҳал қилишлари учун колхоз ва совхозларга имконият бериб қўйиш керак. Иш манфаатлари шуни талаб қилмоқдаки, колхоз ва совхозларга асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш планлари бир неча йилга мўлжаллаб тузиб берилиши лозим. Ана ўшанда ҳар бир хўжаликнинг ўзи ҳам ўз иш планини бир неча йилга мўлжаллаб тузиб олиш ҳамда хўжаликни ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўлидан анча дадил бошқариб бориш имкониятига эга бўлади.

Биз, дейди ўртоқ Воловченко, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳақида бундан буён ҳам алоҳида ғамхўрлик қилишимиз керак. Қишлоқ хўжалигига кўплаб қўшимча маблағ сарфланмоқда. Қишлоқ хўжалик ходимлари шу маблағларни яхшироқ ишлатишдан маънавий манфаатдор бўлибгина қолмай моддий манфаатдор ҳам бўлганлари тақдирдагина, кутилган иқтисодий самарага эришиш мумкин. Колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш масаласи алоҳида эътибор беришга сезовор бўлган масаладир. Шубҳасиз, ишлаб чиқаришни тинмай юксалтириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини камайтириш меҳнат ҳақини оширишнинг асосий манбаи бўлмоғи керак. Совхозларда ҳам меҳнатга ҳақ тўлашни янада такомиллаштириш лозим.

Биз, қишлоқ хўжалик ходимлари, дейди ўртоқ Воловченко, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш юзасидан белгиланган программани бажариш учун партия ва халқ олдида ўз зиммамизга жуда катта масъулият олганмиз. Шу йилнинг ўзидаёқ амалий натижаларга эришмоғимиз керак. Кўкламги экишнинг муваффақиятли ўтказилиши ҳаммамиз учун дастлабки жиддий синов бўлади.

Меҳнаткашлар партия Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми чақирилади, деган хабарни ғоят маъқуллаб кутиб олдилар. Қишлоқ меҳнаткашларининг активлиги ошиб кетганлиги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янги улкан вазифаларнинг муваффақият билан бажарилиши учун мустаҳкам гаровдир. 1964 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш учун мусобақани бошлаб берган Кубань меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусини бутун халқ қўллаб-қувватламоқда ва маъқулламоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, унинг раҳбар кадрлари, қишлоқ хўжалик фани арбоблари, мутахассислар ва практиклар Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида СССР қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг улуғвор планини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда бу билан умумхалқнинг коммунизм қуриш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун куч-қувватларини аямайдилар, деб партиямиз Марказий Комитети Пленумини, бутун совет халқини ишонтиришга рухсат бергайсиз.

**(Ўртоқ Воловченконинг доклади зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).** (ТАСС).

# МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ҲОЗИРДАН ҚИЗИТАЙЛИК!

Сурхондарё область, Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми шарафига ва етти йилликнинг олтинчи йилида пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини янада кескин юксалтириш учун социалистик мусобақани қизитиб юбориш ҳақидаги чақириғига жавобан Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармасининг пахтакорлари ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар.

## АНДИЖОН ОБЛАСТИДАГИ ҚЎРҒОНТЕПА БОШҚАРМАСИ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ, «УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» РАЙОН БИРЛАШМАСИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ПАХТА ТЕРИМИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШНИ ТУГАЛЛАШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

Химиялаштириш, суғориш, комплекс механизация ва фан муваффақиятлари ҳамда илғор тажрибани жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш эндиликда партиянинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги бош йўли бўлиб қолди.

Пахтачиликда ҳосил йиғим-теримини механизациялаш техника тараққиётининг марказий масаласи, интенсивлаштиришнинг энг муҳим звеноси ҳисобланади. Йиғим-терим ишларини тўла механизациялаш, биринчидан, ҳосилни 25-30 кун ичида териб олиш, далани шудгор қилиш ва келгуси йилда янада мўл ҳосил олинишини таъминловчи бошқа ишларни амалга ошириш учун ўз вақтида бўшатиб олиш; иккинчидан, йиғим-терим ишларига шаҳарликларни жалб этмаслик ва ишчи ҳамда хизматчиларга ўз ишларини, студент ҳамда ўқувчиларга эса ўқишларини давом эттириш имкониятини бериш; учинчидан, пахта йиғим-теримида меҳнат унумдорлигини бир неча баравар ошириш, маҳсулот бирлигига қилинадиган сарф-харажатларни кескин камайтириш ва колхоз ҳамда совхозларнинг экономикасини янада кўпроқ мустаҳкамлаш демакдир.

Биз ана шуларни ҳисобга олиб, етти йилликнинг олтинчи йилида ҳосилнинг 65 процентини, келгуси йили 75-80 процентини ва 1966 йили 85-90 процентини машиналар билан териб олишга қарор қилдик.

Биринчидан, ўтган йиллардаги, даставвал бутун республикамиз ва ишлаб чиқариш бошқармамиз учун пахтани машинада теришни жорий қилиш соҳасида бурилиш ясалган йил бўлган 1963 йилда орттирилган ижобий тажриба; иккинчидан, кадрларимиз, даставвал механик-ҳайдовчиларимиз, шунингдек колхоз ва совхозларнинг мутахассислари ҳамда раҳбарларининг маҳорати ошганлиги; учинчидан, техника базасининг мустаҳкамланганлиги бизга ана шу катта ва мураккаб вазифани ўз олдимизга қўйиш ва уни муваффақиятли ҳал этишга жазм қилиш имконини берди. Совет олимлари ва конструкторлари пахта териш техникасини муттасил равишда такомиллаштирмоқдалар. Ҳозирги вақтда «ХТ-1,2» янги осма машина ишлаб чиқарила бошланди. Ўтган йили ерга тўкилган пахтани териб олувчи юқори унум билан ишлайдиган машина давлат синовидан муваффақиятли ўтди.

Ишлаб чиқариш бошқармамизнинг пахтакорлари, механизаторлари ўтган йили машиналар билан 13394 тонна пахта ёки барча ҳосилнинг 70 процентини териб олган «Совой» совхозининг ажойиб тажрибаси билан қуролланмоқдалар. Совхозда ҳар бир терим агрегати билан ўрта ҳисобда 80 тоннадан пахта терилди. Воит Жўраев, Умар Муҳаммадиев, Ҳализ Мадраимов, Ҳадича Киреева ва Рамиз Паттоев каби механик-ҳайдовчилар ўз машиналари бункеридан 170—270 тоннадан пахта тўкдилар. Совойликларнинг тажрибасини оммалаштириш ўтган йилиёқ бизга айрим хўжаликлар бўйича ҳам, шунингдек умуман бошқарма бўйича ҳам машинада терилган пахтанинг миқдорини кўп даража ошириш имконини берди. «Победа», «Ёш ленинчи» ва «Бирлашган» колхозларининг механизаторлари ҳар бир агрегат билан 80-90 тоннадан пахта тердилар. Умуман ишлаб чиқариш бошқармаси бўйича биз бутун ҳосилнинг қарийб ярмини машиналар билан териб олдик. Эндиликда биз эришилган муваффақиятларга таяниб ва «Совой» совхозининг тажрибасини барча хўжаликларда амалда кенг жорий қилиб; янги марраларни эгаллаш учун, пахта йиғим-теримида қўл меҳнатини механизациялашган меҳнат билан тўла алмаштириш учун интиламиз. «Совой» совхози, «Победа», Карл Маркс номли колхозлар шу йилнинг ўзидаёқ барча майдондаги ҳосилни машиналар билан териб олишни мўлжалламоқдалар. Умуман бошқарма бўйича эса пахта майдонининг 85 процентини машина теримига ажратиш назарда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш бошқармасидаги барча колхоз ва совхозларда совойликларнинг тажрибасини ўрганиш юзасидан қунт билан ўқиш кенг йўлга қўйилди. Ҳамма ўқияпти. Механик-ҳайдовчилар, мутахассислар, колхоз ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбарлари техникани, машина теримини ташкил этишни ва унинг экономикасини ўрганмоқдалар. Бундан кузатилган мақсад янги масъулиятли вазифаларни ҳал қилишни шай бўлиб кутиб олишдан иборатдир.

Техниканинг созланган бўлиши машина теримида эришиладиган барча муваффақиятларнинг энг муҳим шартидир. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, пахта териш машиналарининг ремонтини йиғим-терим яқинлашиб қолган даврга қолдириш мумкин эмас. Бу ҳол шошма-шошарликка, машиналарни ўз вақтида тайёрлаб улгурмасликка, ремонт сифатининг паст бўлишига, бинобарин йиғим-терим ишларининг чўзилиб кетиши ва ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келади. Шу сабабли пахта териш машиналари, кўрак териш машиналари, кўрак чувиш машиналари, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ремонтини биз ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаб юбордик ва бу ишни сира сусайтирмай, планли равишда, юқори сифатли қилиб олиб борамиз, мураккаб иш бўлган пахта териш техникасининг ремонтини «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг устахоналарида марказлаштирамиз. 1963 йили «Узсельхозтехника» район бирлашмаси 14 колхоздан 11 тасининг барча трактор ва машиналарига шартнома асосида ўз кучлари ва техника воситалари билан комплекс техника хизмати кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига олди. Бу ижобий натижа берди. Техника хизмати кўрсатишнинг ана шу прогрессив формасини биз ривожлантирамиз ва такомиллаштирамиз.

Пахтаси машина билан териладиган карталарни яхшилаб тайёрлаш, мўл ҳосил етиштириш ва уни эрта етилтириш, ғўзани машина терими талабларига кўпроқ мослаб ўстириш машина теримида муваффақиятга эришишнинг асосий, ҳал қилувчи шартидир. Совойликлар ва бошқа илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, пахтани машина билан теришга тайёргарлик кўриш соҳасидаги ишларнинг катта-кичиги бўлмайди, бу соҳадаги ишнинг ҳаммаси муҳим, ҳар қандай эътиборсизлик ҳосилдорликни камайтиради, йиғим-терим ишларининг суръатини ва сифатини пасайтиради. Биз пахтаси машина билан териладиган майдонларни машина теримига тайёрлашни куздан бошлаб — кузги шудгор вақтида, ерни яхшилаб текислашдан бошладик.

Далани ўт босган бўлса пахтанинг сифати пасаяди, машинанинг шпинделлари пахтани қамраб олиш проценти кескин равишда камаяди, пахтанинг ерга тўкилиши эса бирмунча кўпаяди. Шу сабабли биз чигитни квадрат-уялаб экишни, ғўзани икки томонлама парвариш қилишни кенг қўллланамиз. Бу кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда тупроқни юмшоқ ва далани бегона ўтлардан тоза ҳолда сақлаш имконини беради. Ғўза тупининг шакли ва бўйи бир хил бўлиши, текис ривожланиши пахтани машина билан теришнинг фойдасини оширади. Шу сабабли биз ҳар бир участкада табақалаштирилган агротехника тадбирларини амалга оширамиз. Пахтаси машина билан териладиган участкалардаги ғўзани парвариш қилиш, суғориш ва озиқлантиришни эрта очиладиган кўсаклари кўп бўлган бир текис ғўза тупларига эга бўлишни кўзлаган ҳолда олиб борамиз. Бунга эришиш учун суғориш режимининг тўғри бўлишини ва ғўзани ўсиш даврида юқори сифатли қилиб суғоришни, ўғитни эрта муддатларда беришни ва экинни азотли ўғитлар билан озиқлантиришни кечи билан 10 июлгача тугаллашни таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Машина билан пахта териш процентининг юқори бўлишини ва ҳосилнинг ерга кам тўкилишини таъминлаш учун эгатлар қаторларнинг аниқ ўртасидан олиниши жуда катта аҳамиятга эга. Бунга эришиш учун биз айниқса ғўзани охирги марта суғориш вақтида эгат олишга алоҳида эътибор берамиз.

Дефолиацияни яхши ўтказмасдан туриб машинада пахта териш мумкин эмас. Бундан ташқари терим олдидан ғўзанинг баргини тўктириб кўсакларнинг очилишини тезлаштирувчи, биринчи сорт пахтанинг миқдорини кўпайтирувчи ва шу асосда пахтакорларнинг даромадини оширувчи муҳим агротехника тадбирларини қўллланамиз. Ғўзанинг баргини тўла равишда тўктириш учун дефолиацияни ўз вақтида бошлаш ва уни 20 сентябрдан кечиктирмай тугаллаш асосий роль ўйнайди. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ 413 тонна хлорат магнийни ташиб олдик ва уни эҳтиёт қилиб сақламоқдамиз. Ғўзанинг баргини тўктириш даврида қишлоқ хўжалик авиацияси ва бошқа машина, аппаратларнинг иши устидан қаттиқ контроллик ўрнатамиз.

Бу йил бошқармамиздаги колхоз ва совхозларнинг даласида 670 та пахта териш машинаси ишлайди. Бу, ўтган йилдагига нисбатан 130 та кўпдир. Биз ҳар бир машина билан бир кунда ўрта ҳисобда 2,5 тоннадан пахта теришни мўлжалламоқдамиз. Бинобарин 43550 тонна пахтани ёки ҳосилнинг 65 процентини 26-28 иш кунида териб оламиз. Шу муддат ичида колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ҳосилнинг қолган қисмини қўлда териб оладилар. Шундай қилиб, биз давлат пахта тайёрлаш планини шаҳарликлар, студент ва ўқувчиларнинг ёрдамисиз тахминан бир ой ичида бажаришни таъминлаймиз. Бу бажарилиши мумкин бўлган вазифа. Давлатга пахта топшириш планини 20 иш кунида бажарган «Совой» совхозининг ўтган йилги тажрибаси бу вазифани бажаришнинг уддасидан чиқиш мумкин эканлигидан далолат бермоқда.

Йиғим-терим ишларини механизациялаш юзасидан биз белгилаган тадбирлар колхоз ва совхозларга катта фойда келтиради. Пахтаси машинада терилган участкаларда ўтган йили бизда бир центнер пахтани териш учун 4 сўм 85 тийин, қўлда терилган участкаларда эса бир центнер пахтани териш учун 7 сўм 42 тийин сарфланди. Мана шу сабабли ҳам биз 1964 йили пахта териш техникасидан кенг фойдаланиш колхоз ва совхозларга пахтани қўлда тергандагига нисбатан қарийб 700 минг сўм маблағни ва 600 минг ишчи кунини тежаб қолиш имконини беради деб, ҳозирнинг ўзидаёқ мўлжалламоқдамиз.

Биз пахтани машина билан териш вақтида фақат прогрессив поток технологиясини қўлланамиз. Шундай қилганда колхоз, совхоз, пахта тайёрлаш пункти ва пахта тозалаш заводи ягона технологик ҳалқанинг звеноларига айланадилар. Қўрғонтепа пахта тозалаш заводининг коллективи машинада териладиган ана шу кўп миқдордаги пахтанинг тўхтовсиз қабул қилиб олинишини таъминлаш мақсадида конкрет тадбирлар ишлаб чиқди. Биз Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгашининг раҳбарларидан ана шу тадбирларни амалга оширишда заводга ёрдам кўрсатишни илтимос қиламиз.

Биз республикамизнинг ишлаб чиқариш бошқармалари, «Узсельхозтехника» органларининг ходимларини, барча пахтакорлар, механизаторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларини бу йил барча мавжуд пахта териш техникасидан юқори унум билан фойдаланишни таъминлаш, яқин йилларда эса пахта йиғим-теримида қўл меҳнатини механизациялашган меҳнат билан тўла алмаштириш учун мусобақани қизитишга чақирамиз.

**Бу тадбирлар Қўрғонтепа ишлаб чиқариш бошқармаси колхозчилари, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг йиғилишларида муҳокама қилиниб, маъқулланган.**

